Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 183 (12.996)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2 сентябрь куни Пекин шаҳрига келди.

ПЕКИН, 2 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Пекин шаҳрининг "Шоуду" халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган "Дяоюйтай" қароргоҳига йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари ХХР Раисини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги билан табриклаб, Хитой халқи бу ғалабага улкан ҳисса қўшганини таъкидлади.

– Ушбу шонли санада Сизни ва Сиз орқали бутун Хитой халқини табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди. Истилочиларга қарши курашиб, кўплаб қурбонлар ва катта йўқотишлар эвазига Иккинчи жаҳон урушининг якунланишига салмоқли ҳисса қўшган инсонлар хотираси олдида бош эгамиз. Бу ғалаба бугун дунёда ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллаган янги Хитой давлатининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратган, – деди Ислом Каримов.

ХХР Раиси давлатимиз раҳбарини Хитойга ташрифи билан қутлаб, таклифини қабул қилгани учун миннатдорлик билдирди.

– Сиз билан яна бир бор учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган Ўзбекистон халқи Хитойга дардкаш бўлган, халқимизни қўллаб-қувватлаган. Биз буни ҳеч қачон унутмаймиз ва бугунги ўзаро ҳамкорлигимизни ғоят қадрлаймиз, – деди Си Цзиньпин.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларининг барча йўналишларини қамраб олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор муҳим ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида Ислом Каримов билан Си Цзиньпин ўртасидаги яқин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Давлатимиз раҳбари 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити доирасида Уфа шаҳрида ҳам учрашдилар.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда Хитой билан ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари самарали ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир. Юртимизда Хитой сармояси иштирокида тузилган беш юздан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги 6 йилда 3 карра ортиб, 2014 йилда 4,7 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсди.

Ислом Каримов Хитой билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонни истиқболли стратегик шерикларидан бири деб билишини, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Ислом Каримов байрам тантаналари муносабати билан Хитойга таклиф этилган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтказиладиган тантанали маросимларда қатнашади.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" мавзуида байрам тадбири бўлиб ўтди.

ЯГОНА ВА АҲИЛ ОИЛАДА

Тошбур Маҳалдиқизи олган суратлар

Республика Байналмилал маданият маркази томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган ютуқларда, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатлараро ва диний конфессиялараро ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Республика Байналмилал маданият марказининг самарали фаолият кўрсатаётгани юртимизда миллатлар ва динлараро тотувликни таъминлашга доир оқилона сиёсатнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Энг улуғ, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан мазкур марказ барча вилоятларда «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан – барчамизники!», «Ягона ва аҳил оилада» мавзуидаги давра суҳбатлари, дўстлик фестивалли, концертлар, ижодий танловлар, фото ва бадиий кўргазмалар ўтказмоқда.

– Жонажон Ўзбекистонимиз кўплаб миллат ва элатларнинг қадрдон маскани, ягона ва бетакрор Ватанидир, – дейди Республика арман миллий маданият маркази раиси, "Дўстлик" ордени соҳиби Мартин Сетян. – Қутлуғ байрамга марказимизда ҳам қизғин тайёргарлик кўрилди. Бадиий жамоамиз, "Эребуни" рақс ансамблимиз махсус дастур тайёрлади. Ўзбекистондек гўзал, бағри кенг мамлакатда яшаётганимиздан фахрланамиз.

– Мураккаб даврларда ўзбек халқи кўплаб миллат ва элат вакилларига уйининг тўридан жой берганига тарих гувоҳ, – дейди Республика корейс миллий маданият марказининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Александра Ким. – Бағрикенг ўзбек халқидан умрбод миннатдормиз. Фарзандларимиз қалбида Ўзбекистонимизга чексиз меҳр-муҳаббат, фидойилик, тинч ва осуда кунлар учун шукроналик фазилатлари мустаҳкам қарор топган.

Тадбирда миллий маданият марказлари бадиий жамоалари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни асраб-авайлашга доир кўргазма намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда барча йўналишларда ўзаро манфаатли ривожланиб бораяпти.

Ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси турли соҳаларни қамраб олган 200 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлардан иборатдир.

Олий ва юқори даражадаги ўзаро ташриф алмашувлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил август ойида Хитойга буюрган давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. 2014 — 2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастурининг қабул қилингани мазкур ташрифнинг энг муҳим якуни бўлди. Шунингдек, 6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда молиявий битим ва шартномалар мажмуи имзоланди.

Ўзбекистон ҳамда Хитой халқаро тизимлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтира бориб, бир-бирининг манфаатларини илгари суриш масалалари бўйича халқаро майдонда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақиятли ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Маълумки, жорий йилда ушбу ташкилотга раислик давлатимизга ўтди. ШҲТ йўналишидаги ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб бормоқда. Шу йил 9-10 июль кунлари ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси чоғида Президент Ислом Каримов томонидан билдирилган Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигидаги устуворликларини Хитой раҳбарияти қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳам фаол ҳамкорлик қилаяпти. Кўпгина халқаро муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан ҳар икки давлатнинг ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир.

Парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ вакиллари Умумхитой кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзоланган эди. 2014 йилнинг ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши миллий қўмитаси раиси ўринбосари, Миллатлар ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ван Чжэнвэй раҳбарлигидаги парламент делегацияси Ўзбекистонга келди. Ўз навбатида, 2015 йилнинг май ойида Ўзбекистон парламенти аъзолари Хитойда бўлдилар.

Мунтазам равишда ҳукумат делегациялари даражасидаги учрашувлар ўтказилмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида 2004 – 2015 йилларда сиёсий маслаҳатлашувларнинг 13 раунди бўлиб ўтди.

2011 йилнинг октябрида Пекинда Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Унинг доирасида ҳар йили тармоқ кичик қўмиталарининг йиғилишлари ўтказилмоқда.

Мамлакатларимиз ўзаро манфаат кўриш тамойилларига асосланган ҳолда кўп қиррали савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга устувор даражада аҳамият қаратмоқда.

Ўзаро савдонинг ўсувчанлиги ижобий баҳога лойиқдир. Масалан, кейинги олти йил ичида товар алмашинуви ҳажми уч баробар ўсиб, 2008 йилдаги 1,5 миллиард АҚШ долларидан 2014 йили 4,76 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 582 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 81 таси тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 70 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий кутловлар келмоқда.

• Термиз шаҳрида янги савдо мажмуаси иш бошлади. Қарийб 300 ўринли ўн битта савдо павильони, иккита қаҳвахонадан иборат мажмуа қурилишига 10 миллиард 650 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида жорий йилда ўқишга қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бу йил ўқишга қабул қилинган курсантларнинг қасамёд қилиши билан янги ўқув йили бошланди.

• Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги 44-умумтаълим мактаби педагогик жамоаси ва ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлади.

• Термизда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқининг "Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим" лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Канаданинг Квебек провинциясида вертолёт ҳалокатга учраши натижасида икки киши қурбон бўлди. Bell 206 русумидаги вертолёт Септ-Иль шаҳридан тахминан 30 км масофада қулаб тушган. Унинг бортида учувчи ва тўрт йўловчи бўлган.

• Япониянинг Toyobo компанияси инсон пульсини ўлчай оладиган, шунингдек, бошқа физиологик кўрсаткичларни оладиган махсус материални ишлаб чиқди. Ушбу инновацион материал ёрдамида нафақат юрак пульси, балки нафас олиш тезлиги ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумот олиш мумкин. Ундан тикланиш ва спорт тиббиётида фойдаланиш режалаштирилган. Янгилик 2017 йилдан сотувга чиқиши кутилмоқда.

Шу кунларда Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бир қатор олий таълим муассасаларида мустақиллик айёми қўшалоқ байрамга айланди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида биринчи босқич курсантларининг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўтабек Мирсоатов олган сурат

ВАТАНГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР АҲДИ

Бугунги кунда Ички ишлар тизимида офицер кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, билим юртларида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўташи учун шароит яратиш, соҳанинг нуфузини янада ошириш борасидаги тизимли ишлар давом эттирилмоқда. Таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнлар янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилиб, таълимнинг моделлаштириш, симуляция ва бошқа замонавий усуллари, илғор педагогик ва ахборот технологиялари кенг жорий этилаётир. Номзодларни танлашда эса бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук ёшлар тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинмоқда.

Жорий йилда биринчи курсга қабул қилинган тингловчилар Ватанимиз, халқимиз, Президентимиз олдида ўз касбига содиқ, фидойи ва ватанпарвар инсон бўлишга онт ичдилар. Қасамёд қабул қилиш тадбирлари Ички ишлар вазирлиги академиясидан бошланди.

Акбар Акназаров болалигидан мазкур таълим даргоҳида таҳсил олишни мақсад қилиб юрарди. У ёшлигидан жисмоний ҳамда назарий билимларни пухта эгаллаб борди. Тинимсиз интилишлари натижасида Ички ишлар вазирлиги академиясига қабул қилинди, яъни ўйлаган ниятига эришди.

– Мен мамлакатимиздаги энг бахтли оналардан бириман десам хато гапирмаган бўламан, – дейди биринчи босқич курсанти Акбар Акназаровнинг онаси Сайёра Тўраева. – Ўғлим Ички ишлар вазирлигининг энг нуфузли таълим муассасасига ўқишга кирди, катта ўғлим мазкур даргоҳни тамомлаб, халқимиз тинчлиги ва фуқароларимиз осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда. Ҳар бир она учун фарзандининг камолини кўришдан ўзга бахт бўлмаса керак. Фарзандларим камол топиб, ўзига муносиб ҳаёт йўлини танламоқда, мен бундан жуда мамнунман. Буларнинг бари истиқлолимиз шарофати биландир.

Ҳозирги кунда вазирлик тизимидаги барча таълим муассасаларида ўқитиш замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар жорий этилган ҳолда олиб борилмоқда. Таълимнинг бундай ташкил этилиши тингловчи ва курсантларнинг соҳа сир-асрорларини пухта ва мукаммал ўзлаштиришлари, билим олишга қизиқиш ва иштиёқларини кучайтиришга хизмат қилади. Барчамизга яхши маълумки, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Курсантларнинг чет тилларини ўрганишлари учун хоналар техник жиҳозлар билан бойитилиб, махсус дастурлар ёрдамида дарслар ўтилаётир.

Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида бўлиб ўтган тантанали тадбирларда ҳам курсантларнинг ота-оналари, профессор-ўқитувчилар ҳамда курсантлар иштирок этишди.

– Бугун йигитлик шаъни, ор-номусини ўртага қўйиб, зиммамиздаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳд қилдик, – дейди ИИВ Ёнғин хавсизлиги олий техник мактаби биринчи босқич курсанти Илҳомжон Боқиев. – Бундан жуда хурсандман, чунки болаликдаги орзуим — офицер бўлиш учун илк қадамни ташладим. Эндиги ниятимиз билим юрти профессор-ўқитувчиларидан касбий билимларни пухта ўрганиш ва малакали кадр бўлиб етишишдир.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А.Аҳмедбаев иштирок этди.

Абдуалим САЛИМОВ

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Юксак марраларни забт эт, Ватаним!" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Кенгаши, маданият ва спорт ишлари туман бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали директори Ақилжон Қурбонов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси ўринбосари Феруза Хаитова ва бошқалар халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган мустақилликдек бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган қисқа давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантираётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар яратиб берди, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова. — Биз учун Энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш мақсадида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган тарғибот-ташвиқот, маданий-маънавий тадбирларни жойларда олиб бориш барчамизнинг эзгу мақсадимиздир.

Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Муқаддас Холиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нодира Маҳмудова, Рустам Каримовлар истиқлол айёми билан барчани қутлашди. "Ўзбекнаво" бирлашмаси хонандалари Шаҳбоз Элназаров, Ёқутбек Қудратовлар томонидан дилбар куй-қўшиқлар ижро этилди.

Зарина РУСТАМОВА

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон томони 2011 йили Пекин томонидан илгари сурилган Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. У 2013 йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида филиали бўлган "Жиззах" махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Ҳозирги пайтда бу ерда мобиль телефонлар, қурилиш ва пардозлаш материаллари, санитар-техник буюмлар, тормоз колодкалари, қуёш сув иситиш коллекторлари, тикув машиналари, тери буюмлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) ва Хитойнинг бошқа компаниялари Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини топиш ҳамда ўзлаштириш лойиҳаларида фаол қатнашмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо қилиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим стратегик масаласи ҳисобланади.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланиб бораяпти. Хитой молия институтлари кредитларининг умумий ҳажми 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. 1991 – 2014 йиллар оралиғида Хитой томонидан Ўзбекистонга соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, божхона ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш соҳаларидаги 35 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун қарийб 200 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари тақдим қилинди. Бугунги кунда уларнинг 25 таси муваффақиятли амалга оширилди.

Шунингдек, давлатларимиз маданият ва илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ҳам изчил ривожлантирмоқда. 2003 йили Хитойнинг Чанчунь шаҳрида бўлиб ўтган VI жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилди.

Ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда "Ўзбекистон – Хитой" ва "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 йилнинг май ойида Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ХХР Маданият вазирлиги ўртасидаги 2014-2017 йилларга мўлжалланган маданий алмашинувлар дастури маданият йўналишидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаяпти. Масалан, 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ҳамда Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. 2013 йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида "Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари" бадиий кўргазмаси ташкил қилинди. Ўз навбатида, 2014 йили хитойлик ёш рассомлар "Тошкент қувончлари" V халқаро болалар расмлари биенналесида иштирок этдилар. Унда тўққиз яшар Пан Юйцзе танловнинг асосий мукофотига сазовор бўлди. Хитойнинг "Jiangsu Women's Orchestra" гуруҳи 2015 йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг бош соврини – Гран-при билан тақдирланди.

Таълим соҳасида давлат ҳамда идоралараро даражадаги, шу жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш бўйича талабалар ҳамда амалиётчилар алмашинувларининг кўлами кенгайиб бормоқда. 2005 йили Тошкентда очилган Конфуций институтида ҳар йили 350 нафардан зиёд тингловчи таҳсил олади. Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳузурида иккинчи Конфуций институти фаолият кўрсатаяпти.

2010 йилнинг июнидан эътиборан ХХР Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими иш олиб бормоқда, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Томонлар сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига хитойлик сайёҳларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. 2013 йилнинг ноябрь ойида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим бу йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилаяпти. Хитойлик туроператорлар мунтазам равишда, шу жумладан, "Мега-инфо-тур" дастури доирасида ҳам Ўзбекистонга келишмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги турли даражаларни қамраб олган бугунги муносабатлар очиқлик ҳамда ишончли мулоқотга асосланган билан янада аҳамиятлидир. Барча соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг барқарор ўсувчанлиги ҳисобга олинганда, шуни қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига буюрган ушбу ташрифи давлатлараро муносабатлар тарихида яна бир муҳим воқеа бўлиб қолиши баробарида, Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада чуқурлашиши ҳамда янги мазмун билан бойишига хизмат қилади.

"Жаҳон" АА

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Шаҳримизда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан "Мустақиллик йилларида автотранспорт соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан автотранспорт соҳасига оид давлат сиёсатининг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, автомобиль ва дарё транспортида ташиш хавфсизлигини таъминлаш ишларининг узлуксиз йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори автомобиль транспорти соҳасида ҳам мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунлари ва асосий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда соҳа фаолиятини тартибга солувчи кўп сонли ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши соҳанинг ривожига ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 июндаги "Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳам муҳим аҳамият касб этиб, соҳани ислоҳ қилишда янги босқични бошлаб берди, десак адашмаймиз.

Ушбу фармонга мувофиқ монополиядан чиқариш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич тадбирлар амалга оширилиб, ортиқча бўғинлар қисқартирилди. Айниқса, республика миқёсидаги хўжалик юритувчи "Ўзавтотранс" давлат акционерлик корпорацияси тугатилиб, давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари якунланди.

Бизнинг республикамиз Европа транспорт вазирликлари Конференциясининг иштирокчи давлатлари қаторида кузатувчи давлат мақомини олиш истагини билдирган ҳолда айни пайтда Европа Иттифоқининг автомобилда ташишлар бўйича малакавий талабларига тўлиқ амал қилмоқда. Бу борада асосий талаблардан бири автомобиль йўналиши бўйича олий ёки ўрта махсус, касбий таълимга оид диплом, камида беш йиллик иш тажрибаси ва аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги хулосанинг мавжудлиги ҳисобланади.

—1990 йилдаги маълумотларга кўра республикада жами 265 та автокорхона юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланган бўлса, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра уларнинг сони 4816 тага етган, 1990 йилда 282.9 миллион тонна юк ташилиб, 5.9 миллиард тонна километр юк айланмаси бажарилган бўлса, 2014 йилдаги маълумотларга кўра, 1 миллиард 324 миллион тонна юк ташилиб, юк айланмаси 31.4 миллиард тонна километрни ташкил қилди, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ахборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси Абдужалил Шокиров.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айни пайтда республикада қарийб 4344 та йўналиш мавжуд бўлиб, уларнинг 4266 таси ёки 98.2 фоизи тендер асосида жойлаштирилган.

Шуни қайд этиш керакки, тендер шартномасининг асосий шартларидан бири ташишлар ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чораларининг таъминланганлиги ҳисобланади. Тендерларни ўтказишнинг асосий тамойиллари эса уларнинг очиқлиги, ошкоралиги, йўналишда хизмат кўрсатиш бўйича энг яхши шартларни таклиф этган ташувчининг адолатли, холис танланишидан иборат.

Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Самарқанд, Гулистон, Қўқон, Наманган, Урганч, Қарши шаҳарларида автобошбекат ва шоҳбекатларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ва солиқ органлари ходимлари билан ҳамкорликда йўлларда 2334 та қўшма рейдлар ўтказилди ва бунинг натижасида автотранспорт эгалари томонидан лицензиялаш тўғрисидаги қонунларнинг 45363 маротаба бузилиш ҳолатлари аниқланди. Рейдлар натижаси бўйича тўпланган материаллар чоралар кўриш учун тегишли солиқ органларига юборилди.

Анжуманда автобусларнинг бекатларда узоқ вақт қолиб кетиши, ёш ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига пухта риоя қилмасликлари, йўналишли ҳамда йўналишсиз таксиларнинг хизмат кўрсатиш сифати ва нархлари масалалари бўйича мулоҳаза юритилди.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Камолиддин ҲАМДАМОВ

ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон энергетика тизимида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида матбуот анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг энергетика тармоғида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Ўзбекистоннинг энергия бўйича ички эҳтиёжлари тўлиқ таъминланиб, уни экспорт қиладиган давлатга айланди. Юртбошимиз ташаббуслари билан қатор қонунлар ва қарорларнинг қабул қилиниши соҳа ривожига катта ҳисса қўшди. Босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ энергетика тизимида катта ютуқларга эришилди.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда республикамиз аҳолиси, ишлаб чиқариш корхоналари, қатор ташкилотларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва истеъмолчиларга узлуксиз, мустаҳкам ва сифатли энергия етказиб бериш ҳақида сўз борди. Айниқса, ўтган қисқа вақт мобайнида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти томонидан электр энергияси объектларини қуриш, уларни реконструкция ва модернизация қилиш борасида қатор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилгани эришилган ютуқларнинг натижасидир.

Жорий йилнинг августигача бўлган маълумотларга кўра электр станцияларининг ўрнатилган қуввати 1.5 миллион киловаттни ва электр энергиясини ишлаб чиқариш 1.5 миллиард киловаттни ташкил қилган бўлса, электр тармоқларининг умумий узунлиги 38.2 минг километргача ва истеъмолчилар сони 2.5 миллионга етгани, иқтисодиёт тармоқларидан электрдан фойдаланувчилар бўйича эса 445.6 миллион киловатт-соатни ташкил этгани қувонарли ҳолдир.

Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида 300 мегаватт ва Толимаржон ИЭСда 800 мегаватт қувватга эга янги энергия блоки, Навоий ИЭСда 478 мегаваттли замонавий буғ-газ ҳамда Тошкент иссиқлик электр марказида 27 мегаваттли когенерацион газ-турбина қурилмалари ишга туширилди.

Янги Ангрен ИЭС – Ўзбекистонда узунлиги 167.5 километрлик, Ғузор – Сурхон йўналишида 197 километрлик, Сирдарё ИЭС – Янги Ангрен ИЭСида 123 километрлик, Толимаржон ИЭС – Сўғдиёнада 215 километрлик ва бошқа шу каби 500 киловаттли ҳаво линиялари ишга туширилди.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида умумий қуввати 900 мегаваттни ташкил этадиган иккита буғ-газ қурилмали иссиқлик электр станциясини қуриш йўлга қўйилган бўлса, Тошкентда шу каби иссиқлик электр станциясида 370 мегаваттли қурилма лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ҳамда газ турбинасини йиғиш ишларини амалга ошириб, йил якунига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

— "Жиззах" махсус индустриал зонасида қуёш коллекторларини ишлаб чиқарувчи "Қуёш иссиқлик энергияси" ҳамда светодиодли чироқлар ишлаб чиқарувчи "Ёрқин чироқлар" қўшма корхоналари ташкил этилди, – дейди "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш.Умрзоқов. – Бу каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида табиий ресурсларни тежаш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2020 йилга қадар ишлаб турган 19 та ГЭСларни модернизациялаш ва такомиллаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида 100 мегаваттга яқин қувват барпо этилиб, қўшимча 450 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 200 миллион метр куб табиий газнинг тежалиши иқтисодиётимиз учун фойдали натижага эришганимиздан далолат беради.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Ҳамроҳ КАМОЛОВ

Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган Мустақиллик дарслари ва Маънавият соатларида истиқлол неъматлари, унга эришиш йўлида фидойилик кўрсатган аждодлар хотираси, тинчлик ва фаровонлик, ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайиши йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти ёшларга етказилмоқда.

МАҚСАДИ АНИҚ АВЛОДНИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Ана шундай машғулотлар Тошкент давлат юридик университетида ҳам бўлиб ўтди. Талабаларнинг янги ўқув йилидаги илк дарслари махсус ишлаб чиқилган факультатив режа, ўқув дастурлари ва методик тавсиялар асосида таниқли олимлар, профессор-ўқитувчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, ижодкор зиёлилар томонидан олиб борилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилиб, ушбу муассаса юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди.

Икки мингдан зиёд йигит-қиз таҳсил олаётган мазкур университетда ёшларда соғлом ва мустақил тафаккурни шакллантириш, уларнинг пухта билим олиши, соҳа сирларини эгаллаши учун зарур имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Университетда ташкил этилган Мустақиллик дарслари ва Маънавият соатларида давлатимиз раҳбарининг асарларида билдирилган фикрлар, жумладан, аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, унинг қадр-қиммати, шарафи бебаҳо қадрият экани хусусидаги ғоялари маъруза ва давра суҳбати тарзида, замонавий педагогик технологиялар, видеодастурлар, мультимедиа воситаларидан фойдаланилган ҳолда талабаларга етказилди.

"Истиқлол неъматлари", "Ким эдигу ким бўлдик?", "Аждодларга муносиб ворис бўлайлик", "Буюк юрт фарзандларимиз" каби мавзуларда ўтказилаётган машғулотлар ёшлар онгу шуурида ватанпарварлик ва эл-юртга садоқат туйғусини юксалтириш, тарихни билиш, анъаналарни эъзозлаш, миллий ғурур-ифтихор каби инсоний фазилатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

– Мустақиллик дарсларига жиддий тайёргарлик кўрилди, – дейди ЎзА мухбирига университет маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Бобожонов. – Алоҳида дарс ишланмалари, мавзуга доир материаллар, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига оид статистик маълумотлар базаси шакллантирилди.

– Юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, яратилган кенг имкониятлар биз, ёшларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, мустақил фикрли, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилаётир, – дейди талаба Нафиса Шаропова. – Мана шундай озод ва обод юртда униб-ўсаётганимдан, ўзим истаган мутахассислик бўйича таҳсил олаётганимдан бахтиёрман. Истиқлолнинг фарзанди эканлигим қалбимга чексиз ифтихор бағишлайди.

Етук олим ва мутахассислар талабаёшларга мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган ислоҳотлар самаралари, тарихий, маданий ва интеллектуал меросимизни асраб-авайлаш, уни келгуси наслларга етказиш, ёш авлод учун яратилган имкониятлар хусусида сўзлаб берди.

Улуғ мутафаккирлар мероси, халқимизнинг миллий қадриятлари акс этган фото ва видеолавҳалар, маърузалар ёшлар қалбида бугунги дориломон кунларга шукрона келтириб, келажакка ишончни мустаҳкамламоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

АРХИВ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Миллий матбуот марказида «Ўзархив» агентлиги томонидан корхона ва ташкилотлар идоравий архивларида ҳужжатларнинг сақланиш ҳолати масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумот бериш тартиби такомиллашаётгани фуқароларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бунда архив идораларининг алоҳида ўрни бор.

"Архив иши тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори соҳани янада такомиллаштириш, архив муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларга қулай шароит яратишда муҳим омил бўлаётир. Шунингдек, архивлаштириш фаолиятини тартибга солувчи яна бир қатор ҳужжатлар асосида идоравий архивлар иши меъёрлаштирилмоқда.

– Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида архив ҳужжатларини жамлаш, сифатли ва талаб даражасида сақлаш, сақловдаги ҳужжатлар ҳисобини янги технологиялар асосида олиб бориш, ижтимоий ва ҳуқуқий тоифадаги сўровлар юзасидан идоралар ва фуқароларга сифатли хизмат кўрсатиш таъминланмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви бўлим бошлиғи Меҳрибон Набиева. – Мамлакатимизда ўн икки мингдан зиёд идоравий архив мавжуд бўлиб, уларда 1,2 миллион хил ҳужжат сақланмоқда. Жорий йилда давлат архивлари томонидан 87 мингдан зиёд сақлов бирлигидаги ҳужжат давлат сақловига қабул қилинди. Турли ташкилотларнинг 66 мингдан зиёд сақлов бирлигидаги архив ҳужжатларига илмий-техникавий ишлов берилди.

Соҳада кадрлар тайёрлаш ҳам доимий эътиборда. Айни вақтда мамлакатимиздаги 57 касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юртларида архившунос мутахассислар тайёрлайдиган йўналишлар мавжуд. Шу билан бирга, Навоий ва Андижон вилоятларида малака ошириш курслари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Навоий вилояти давлат архиви ва Республика кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви базасида ташкил этилган ўқув курсларида етти юз нафарга яқин мутахассис малака оширди.

Тадбирда корхона ва ташкилотлар архивларида ҳужжатларни сақлаш, сақлаш муддати ўтган миллий архив фонди таркибига киритувчи ҳужжатларни давлат архивлари сақловига қабул қилиш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

Азима ҚИЁСОВА
(ЎзА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДУК "Сувсоз" катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2015 йил кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

Ичимлик сув босимининг пасайиши ҳақида

7 сентябрь соат 9.00 дан 8 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** "Умид" маҳалласида, Темур Малик 2а, 2б юқори қаватли уйларида.

2. Босим пасаяди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** "Локомотив" истироҳат боғида.

8 сентябрь соат 9.00 дан 9 сентябрь соат 21.00 гача

1.Сув бўлмайди: **Юнусобод тумани бўйича:** "Отчопар-2" маҳалласида, Янгишаҳар, Отчопар кўчаларида.

9 сентябрь соат 9.00 дан 10 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Учтепа тумани бўйича:** "Ўткир", "Оқмачит", "Шарқ гули", "Ибрат", "Қорёғди", "Нишабариқ", Хондамир, Хуршид, "Жарбулоқ", "Зулфизор", "Бешқайрағоч", "Боғичинор" маҳаллаларида, 9-сонли туғруқхонада.

10 сентябрь соат 9.00 дан 11 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **М.Улуғбек тумани бўйича:** Қорасув - 1, 2, 3, 4, 6-даҳаларида.

12 сентябрь соат 9.00 дан 13 сентябрь соат 9.00 гача

1. Босим пасаяди: **Сергели тумани бўйича:** Сергели 3, 4-даҳаларида.

14 сентябрь соат 9.00 дан 15 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Яшнобод тумани бўйича:** Тузель 1, 2, 3, 4- ва Авиасозлар 1, 2, 3, 4-мавзеларида, Гўзал, Ал-Бухорий, "Янгиобод" маҳаллаларида, Аэродром кўчасида.

2. Босим пасаяди: **Яшнобод тумани бўйича:** Мухтор Ашрафий тор кўчалари билан биргаликда, Алимкент, Ховос, Маҳзуна, Хатирчи, Бойсун, Ўртайўл, Обишир, Ғиждувон тор кўчалари ва берк кўчалари билан биргаликда.

16 сентябрь соат 9.00 дан 17 сентябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Ҳувайдо, "Гулбозор", "Кўкча", "Кохота", "Янгишаҳар", "Сузукота" маҳаллаларида, Марказ-26, Марказ-27, Марказ-28 мавзеларида, Тўрақўрғон тор кўчалари билан биргаликда, 1-сонли шаҳар шифохонасида, 1-туғруқхонада, "ЖАР" спорт комплекси ва "Чорсу" бозорида, Нон ишлаб чиқариш заводида.

2. Босим пасаяди: **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** 3 - Иссиқлик қозонхонасида, "Исломобод", "Оқилон", "Обиназир", "Шофайз" маҳалларида.

3. Сув бўлмайди: — **Олмазор тумани бўйича:** Б-1, Б-3 мавзеларида, "Тахтапул", "Себзор", "Янги Себзор", "Чилтўғон", "Хончорбоғ", "Пахта", "Лангар", "Эскишаҳар", "Аллон", "Беруний майдони", "Алоқа" маҳаллаларида.

21 сентябрь соат 9.00 дан 22 сентябрь соат 9.00 гача

1.Сув бўлмайди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Ҳумоюн, Югнакий даҳаларида, Г-40 кўчасида.

2. Сув бўлмайди: **Яшнобод тумани бўйича:** "Наврўз" маҳалласида, Авиасозлар 4-даҳасидаги 18, 20, 30, 31, 34, 35, 36, 38, 39-кўп қаватли уйларида ва 454-сонли мактабгача таълим муассасасида.

3. Босим пасаяди: **Яшнобод тумани бўйича:** Бирлашган, Бешариқ кўчаларида, 58-Ҳарбий шаҳарчасида.

28 сентябрь соат 9.00 дан 29 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** "Феруза", "БЎЗ-2" даҳаларида, "Катта Яланғочота", Феруза, "Баҳор", "Шалола" маҳаллаларида, Гинекология ва акушерлик институтида.

29 сентябрь соат 9.00 дан 30 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Сергели тумани бўйича:** Йулдош 1-даҳасидан 17-даҳасигача, Жанубий ишлаб чиқариш ҳудудида, "Қипчоқ", "Баҳор" маҳаллаларида, 10-сонли туғруқхона, Райҳон, Чортоқ кўчаларида.

30 сентябрь соат 9.00 дан 1 октябрь соат 9.00 гача

1. Босим пасаяди: **Юнусобод тумани бўйича:** Давлат белгиси корхонасида.

5 октябрь соат 9.00 дан 6 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Сергели тумани бўйича:** Қумариқ, Саъдий, Чоштепа ва уларга туташган кўчаларида, "Нўғойқўрғон", Навоий, "Чоштепа" маҳаллаларида.

2. Сув бўлмайди: **Яккасарой тумани бўйича**: "Бошлиқ", "Қушбеги" мавзеларида, Глинка, Шамси Кулол кўчаларида, ТошИЭМда ва Бобур маҳалласида.

7 октябрь соат 9.00 дан 9 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Яшнобод тумани бўйича:** Аҳмад Яссавий, Мухтор Ашрафий, "Бойсун", "Жарқўрғон", "Бинокор", "Янги Давр" маҳаллаларида, Ховос, Алимкент, Хатирчи, Ўртайўл, Мухтор Ашрафий кўчалари ва тор кўчалари билан, Обишир, Заркент, Ғиждувон кўчаларида, Мухтор Ашрафий 2-муюлиш, Мухтор Ашрафий 3-тор кўчасида.

Сув бўлмайди: **Сергели тумани бўйича:** Кичик Бешёғоч, Қумариқ, Саъдий, Чоштепа ва уларга туташган кўчаларида, "Нўғойқўрғон", "Навоий", "Чоштепа" маҳаллаларида.

Сув бўлмайди: **Миробод тумани бўйича:** 5-туғруқхонада, "Олтинкўл", "Қорасув", "Сарикўл", Абдурауф Фитрат, "Навбаҳор", "Янгизамон", "Истиқлол", Фурқат, "Наврўз", "Биродарлик" ва "Темирйўлчилар" маҳаллаларида, "Локомотив" меҳмонхонасида.

2. Босим пасаяди: **Яшнобод тумани бўйича:** Жўрабек маҳалласида, Зоҳидон, Оқдарё, Мўйноқ кўчаларида, Фарғона йўли 95а кўп қаватли уйида.

12 октябрь соат 21.00 дан 13 октябрь соат 12.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** "Кохота", "Лабзак", "Шайхонтоҳур", "Хадра", "Жанггоҳ" маҳаллаларида, Қозоғистон элчихонасида, Нон ишлаб чиқариш заводида.

2. Босим пасаяди: **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Навоий кўчасида, "Олмазор" маҳалласида.

3. Сув бўлмайди: **Юнусобод тумани бўйича:** "Оқибат", Жомий, "Отчопар", Уста Ширин, "Янгиарик", "Туркқўрғон" маҳаллаларида, Юнусобод 13-мавзедаги 9 қаватли уйларда.

4. Сув бўлмайди: **Чилонзор тумани бўйича:** Ўзбекистон, Олмазор кўчаларида

13 октябрь соат 9.00 дан 14 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди**: Учтепа тумани бўйича:** 5-Иссиқлиқ қозонхонасида, "Кўрғонтепа", "Хуросон" маҳаллаларида.

2. Босим пасаяди**: Учтепа тумани бўйича:** Чилонзор 26-даҳада, "Катта-Қаъни", "Қозигузар", Ширин маҳаллаларида.

14 октябрь соат 9.00 дан 15 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Сергели тумани бўйича:** "Қипчоқ", "Баҳор" маҳаллаларида, Нилуфар кўчаси ва тор кўчалари билан.

2. Сув босими пасаяди: **Сергели тумани бўйича:** Йулдош 1-даҳасидан 17- даҳасигача, эски Сергели, Райҳон, Дарёбўйи кўчаларида, 10-сонли туғруқхонада.

15 октябрь соат 9.00 дан 16 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** "Гранд Плаза" меҳмонхонасида.

15 октябрь соат 21.00 дан 16 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Юнусобод тумани бўйича:** "1, 2-Отчопар", "Юнусобод" маҳаллаларида, Шаҳристон кўчасида.

19 октябрь соат 9.00 дан 20 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Олмазор тумани бўйича:** "Мойариқ", "Ниҳол", Иброҳимота, "Мойқўрғон", "Бешқўрғон", "Чуқурсой", "Аҳил" маҳаллаларида, Мирзо, Парвариш, Қорақамиш 3 кўчаларида, Қорақамиш 2/3, 2/4, 1/4 ва Бешқўрғон 1-даҳаларида, Нон ишлаб чиқариш заводида.

2. Сув бўлмайди**: Сергели тумани бўйича:** Жанубий ишлаб чиқариш ҳудудида, "Баҳор" маҳалласида, Нон ишлаб чиқариш заводида.

3. Босим пасаяди: **Сергели тумани бўйича:** Эски Сергели, Райҳон, Дарёбўйи, Нилуфар ва тор кўчалари билан.

20 октябрь соат 9.00 дан 21 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Феруза, Яланғоч, ТТЗ-1, 2, 3, 4-даҳаларида, "Катта Яланғочота", Феруза, "Баҳор", "Шалола" маҳаллаларида, Касаба, Феруза, Бойчечак, Пилла кўчаларида, Гинекология ва акушерлик институтида.

21 октябрь соат 9.00 дан 22 октябрь соат 9.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Юнусобод тумани бўйича**: "Оқтепа" маҳалласида, Юнусобод 13, 14, 17, 18, 19-мавзеларида.

27 октябрь соат 9.00 дан 28 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Миробод тумани бўйича**: Ойбек, Миробод, Афросиёб мавзеларида, КЭЧ шаҳарчаси, Россия элчихонасида, Мироншоҳ кўчаси ва тор кўчалари билан, Оқ йўл, Боғишамол, Нукус, Миробод, Шаҳрисабз, Ойбек, Саид Барака, Амир Темур, Туркистон кўчаларида ва Катта Миробод тор кўчаларида.

Сув бўлмайди: **Яккасарой тумани бўйича:** "Дамариқ", Абдулла Қаҳҳор, Сулаймонов, "Туркистон", "Конституция", Юнус Ражабий, "Тепа" маҳаллаларида.

2. Босим пасаяди: **Чилонзор тумани бўйича:** "2, 3-Чарх Камолон", Лутфий, "1-Қатортол", "Мевазор", "Чўпон ота", Гулханий, "Олмазор" маҳаллаларида, Чилонзор 8,9-мавзеларида, Янги Байналмилал кўчасида.

Босим пасаяди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** "Чўпонота", "Янгиобод" маҳаллаларида.

29 октябрь соат 9.00 дан 30 октябрь соат 21.00 гача

1. Сув бўлмайди: **Чилонзор тумани бўйича:** "Яккабоғ", "Дўмбиробод", "Наққошлик", "Катта Дўмбиробод", "Катта Қозиробод" маҳаллаларида, Фарҳод, Чилонзор, Дилхуш, Наққошлик, Ўсмир, Новза, Қозиробод кўчаларида, 16-сонли оилавий шифохонасида, Тез тиббий ёрдам кўрсатиш Республика Марказида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.

ШАЙХОНТОҲУР ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи	Тошкент шаҳри, О.Шарафутдинов кўчаси, 10-уй.

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;

2.Сўровнома (справка-объективка);

3.Таржимаи ҳол;

4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;

5.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

6.Паспорт (нусхаси);

7.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

8.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, О.Шарафутдинов кўчаси, 10-уй. Тел: 243-11-37.

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх боскичма-боскич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Савдо тараққиёти ДУКга қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли 3-тор кўчаси, 163-уй манзилида жойлашган "Бинокор Абдуқодир" унитар корхонаси (мол-мулклари ва бино-иншоотлари билан бирга).

Бошланғич нархи – 7 963 275 000 сўм.

Балансда сақловчи: Савдо тараққиёти ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Ишлаб чиқариш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 19 октябрь, 2, 16, 30 ноябрь, 15, 29 декабрь, 2016 йил 13, 27 январь, 10, 24 февраль, 10, 24 март, 7 апрель кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, глобаллашув даврида турли зарарли таъсир ва бузғунчи ғоялардан асрашда турли маънавий-маърифий, ижодий ҳамда спорт тадбирларининг аҳамияти катта.

"Ватанпарвар"

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Мирзо Улуғбек тумани "Баркамол авлод" болалар марказида "Ўзбекистон – болалар нигоҳида" мавзусида расмлар кўргазмаси, "Мерган – 2015" спорт мусобақаси ва эркин мавзулар бўйича танлов ўтказилди.

Тадбир Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "М.Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан ташкил этилиб, туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи йигит-қизлар спортнинг техник ва амалий турларидан авиамодель, пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича беллашиб, асфальтга расм чизиб, маҳоратларини намоён этишди. Улар ўз расмларида Истиқлол, она юртни мадҳ этувчи шеърлар айтишди.

— Ёшларимизнинг ижодларига боқиб, озод ва обод юрт фарзандлари эканликларини мамнуният билан таърифлаганига гувоҳ бўлдик, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Мирзо Улуғбек Ўқув СТК" унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Пневматик милтиқдан ўқ отиш ва дартс бўйича ўғил ва қизларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз мерганликлари ва маҳоратларини кўрсатдилар. Таъкидлаш жоизки, ташкилотимиз томонидан турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Ёз фаслида туман мактаблари қошидаги ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ташкил этилган турли спорт мусобақалари болажонларга манзур бўлди. Бошланғич ташкилот аъзолари ўртасида "Давлат рамзлари – миллатимиз фахри" деб номланган тадбир ҳам шулар жумласидан. Бир сўз билан айтганда ўтказилаётган тадбирлардан асосий мақсад мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодини юзага чиқариш, ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, давлатимиз тарихи, улуғ бобокалонларимиз мероси билан таништириш, уларга юрт ва мустақиллик, тинчлик деб аталган бебаҳо неъматларни англатишга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Тадбирда фаол иштирок этган барча қатнашчилар бошланғич ташкилот томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

ХАЛҚАРО ТУРНИРДАГИ ИЛК НАТИЖАЛАР

Қатарда бўлиб ўтадиган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарлик кўриш учун Словакияга йўл олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси халқаро ўртоқлик турнири доирасида Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони терма жамоаларига қарши майдонга тушди.

Мусобақанинг дастлабки ўйинида Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоаси билан баҳслашган Виктор Жалилов шогирдлари ўйинни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, 1:0 ҳисобида зафар қучди. Ушбу учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари термаси ҳисобни тенглаштиришга астойдил ҳаракат қилган бўлса-да, бизнинг жамоа дарвозасининг дахлсизлиги сақлаб қолинди.

Биринчи учрашувдаги ғалабадан сўнг таркибга бир оз ўзгартириш киритган олимпия терма жамоамиз иккинчи турда Саудия Арабистонига 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Ўзбекистоннинг ягона голига заҳирадан майдонга тушган З. Ўринбоев муаллифлик қилди.

Осиёда яккакураш турлари бўйича энг кучли спорт мактабларига эга Жанубий Кореяда Бутунжаҳон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари фестивали бўлиб ўтди.

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган йирик спорт форумида бешинчи бор иштирок этаётган Ўзбек жанг санъати федерацияси терма жамоаси аъзолари мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Таъкидлаш жоизки, бу сафар ҳам байрамона тус олган спорт фестивалида ўттиздан зиёд давлатдан келган уч юзга яқин жанг усталари ғолибликни қўлга киритишга астойдил киришдилар.

Ўзбек жанг санъати федерацияси терма жамоаси аъзолари кўргазмали чиқишларда миллий спорт туримиз услублари жозибасини оммага намойиш этиб, мухлису мутахассислар эътиборини қозонишди. Мусобақа давомида ҳар бир жамоа дастлаб яккалик ва жамоавий баҳслар шартлари асосида ўзаро беллашди. Айниқса, ҳар бир босқичда ғалабага эришган юртдошларимиз финалда ғолибликка асосий даъвогар саналган мезбон Жанубий Кореяни катта фарқ билан ортда қолдиришгани қувонарли бўлди.

ЖАМОАНИНГ ЯНГИ САРДОРИ

27 ёшли Одил Аҳмедов футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги сардори этиб тайинланди.

Ўзбекистон терма жамоасида 70 та ўйин ўтказиб, 12 та гол урган маҳоратли ярим ҳимоячи Одил Аҳмедовга Сервер Жепаров ва Азиз Ҳайдаров сардорлик борасида ўринбосарлик қилади.

Маълумки, бугун Яман терма жамоаси "Пахтакор" стадионида соат 19:00 да ҳамюртларимизга қарши майдонга тушади. Мазкур баҳсга тайёргарлик кўриш мақсадида рақибимиз Уммон билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Шунингдек, 3 сентябрь куни бош жамоамиз ўрин олган "Н" саралаш гуруҳида пешқадам Шимолий Корея терма жамоаси Манамага бориб, Баҳрайн терма жамоасига қарши 3-тур учрашувида майдонга тушади. Ўйин Тошкент вақти билан 18:40 да бошланади. Бешта жамоа ўрин олган "Н" саралаш гуруҳида пешқадамлардан яна бири Филиппин терма жамоаси эса бу турда дам олади. Филиппин футбол федерацияси 3 сентябрь куни Мальдив ороллари терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказилиши ҳақида хабар берган.

Ўзбекистон терма жамоаси худди шу куни Яманга қарши ўйинни ўтказиб, 2 кун Тошкентда шуғулланади ва 6 сентябрда чартер рейси орқали Филиппинга учиб кетади. 7 сентябрда Филиппин ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирокида матбуот анжумани ўтказилади. Филиппин – Ўзбекистон учрашуви 8 сентябрь куни Тошкент вақти билан 20:00 да Бокаю Сити шаҳрида бўлиб ўтади. Шу куни Доҳада Яман терма жамоаси Баҳрайн терма жамоасига қарши 4-тур учрашувини ўтказади. Шимолий Корея терма жамоаси 4-турда дам олади ва ҳозирча ҳеч қандай ўртоқлик ўйини ўтказишни режалаштирмаган.

Ботир ХЎЖАЕВ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР МУЖАССАМ

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан ёши улуғ қарияларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида эзгу қадриятларимизни акс эттирувчи бир қатор фильмларни яратиш устида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз миллий кинематографияни янада ривожлантириш, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат қилиши учун зарур шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса кино ижодкорлари зиммасига маънавий жиҳатдан юксак, бадиий қирралари мукаммал бўлган фильмлар яратиш масъулиятини юклайди.

Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмаси асосида тасвирга олинган "Баракасини берсин" бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Фильмда кекса авлод вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инсонийлик, меҳр-оқибат, мардлик, ҳалоллик, яхшилик ва эзгулик йўлидаги фазилатлар бош қаҳрамон Ҳайдар бува ва унинг қўшниси Шомирзанинг ҳаёти мисолида акс эттирилган.

Бадиий фильмда ўзбек оилаларида шаклланган эзгу қадриятларни эъзозлаш, қариялар ўртасидаги муносабат, самимият, тўғрилик каби фазилатларга қизиқарли лавҳалар, ҳаётий воқеалар ҳамда завқли эпизодлар орқали кенг ўрин берилган.

Фильмни томоша қилар экансиз қалбингизни ота-онага бўлган ҳурмат ва фарзандлар тарбиясига оид жавобгарлик туйғулари қамраб олади.

Фильм қаҳрамонлари ўз ижроларида ўзбек менталитетига мос меҳр-муҳаббат, инсофдиёнат, нуронийларимиз мардлиги, орият, виждон сингари хусусиятларни ишонарли тарзда очиб берган.

Ролларни эл севган актёрлар Эркин Комилов, Ражаб Адашев, Фарҳод Абдуллаев, Илмира Раҳимжонова, Толиб Мўминов, Жамила Гофуровалар ижро этган.

Ўйлаймизки, "Баракасини берсин" фильми ёш авлод қалбига маънавий юксаклик олиб кириш баробарида, уларни кекса авлод вакилларига ҳурмат билан қарашга, қадриятларимизни қадрлашга чорлайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.11.2012 йилдаги №ПФ-4486-сонли Фармонига асосан, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимини, ташкилий ҳуқуқий механизмларини тубдан янгилаш, судьялар корпуси таркибини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга ошириш мақсадида, судьялик лавозимларига мавжуд заҳирага киргунга қадар ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажрибага, обрў-эътиборга, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик иш стажига эга бўлган номзодлар ҳисобига шакллантириш белгиланган.

Ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида 9 нафар судьялик лавозими, Бектемир, Шайхонтоҳур туман судларининг раислик лавозимига бўш ўринлар мавжуд.

Шу муносабат билан юқорида кўрсатиб ўтилган Фармон талабларига жавоб берадиган судьялик лавозими заҳирасига кириш истагини билдирганлар тегишли тартибда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари судьяларининг малака ҳайъатига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 23-уй.
Маълумот учун телефон: (8-371) 244-99-68

"101"

КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Юртимизга куз фасли кириб келиши билан дарахтлар баргини тўка бошлайди. Барглар тўкилиши натижасида эса атроф-муҳитда тайёр ёнувчи манба ҳосил бўлади.

Йиғилиб қолган хазонлар кўчалардан ўз вақтида тозаланмаса, тез аланга олувчи ушбу манба йўлдан ўтган йўловчиларнинг оддий сигарета қолдиғини отиб юбориши ёки ёш болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида турли ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Уй, корхона-ташкилот атрофида йиғилиб қолган хазонларнинг тозалаб олинмаслиги натижасида ёнғинлар содир бўлиб, катта кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин.

Бундай ёнғинлар натижасида инсонлар бошпанасиз қолиши, энг ачинарлиси, турли хилдаги тан жароҳатини олиши мумкин ва ҳаттоки дунёдан эрта кўз юмишигача олиб келади. Шу сабабли ўзимиз яшаётган уй атрофини доимо қуруқ ўтдан ва хазонлардан озода сақламоғимиз лозим. Бундан ташқари биргина хазон ёниши натижасида турли хилдаги зарарли газларнинг ажралиб чиқиши ҳавонинг ифлосланиши, ён-атрофда яшаётган фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиб, ҳар хил касалликлар келтириб чиқариши мумкин. Ёнғинларнинг олдини олиб, хазонларни ёқиб юбормасдан ерга кўмсак, ўз соғлиғимизни заҳарли газлардан, уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаган бўламиз. Бу жараёнда ерга кўмилган хазон барглари қишлоқ хўжалиги учун тайёр ўғит бўлиб хизмат қилади.

У. ЛУТФУЛЛАЕВ,
24-ҲЁХҚ катта инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***4 сентябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***4 сентябрда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-1228
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6378 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ